

ЭРКИН ВОҲИДОВ ЛИРИКАСИГА БИР НАЗАР

Сарвиноз ЖАМОЛОВА

Ўзбекистон Миллий университети

ўзбек филологияси факультети

2-босқич талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов лирик қаҳрамоннинг ўзига хос руҳий - маънавий олами ҳақида тадқиқ қилинган.

Калим сўзлар: руҳият, шеър, лирик қаҳрамон, сўз мўъжизаси, бадиий тафаккур.

Ҳақиқий ижод кишиси ҳаётни теран ҳис қила олиши, ақл-у шуури нозик мушоҳадаларга мойиллиги билан фарқ қиласди. Сўз, унинг қудрати, мўъжизасидан хабардор ҳар бир қалам соҳиби теваракни ўз қалб изтироблари, ҳаётий хулосалари, кечмишларига уйғун тарзда ифода этади. Ўзбек халқининг забардаст шоири Эркин Воҳидов ижоди ҳам ўз ифода ё ўриғи билан сўзларида тараннум этилган дилбар шахс тимсолидир. Сатрлари аро кезадиган ишқ тароналари, хотира вароқлари, некбин туйғулар жилоси, ўз ўқувчисини ҳар нафас мафтун этиб келган. Ижодкор шоирликни қисмат, шеърни эса неъмат деб билади. Унинг исёнкорона мадҳи, қатъийлик руҳи, фахр-ифтихор туйғуларининг ҳам ижодида етакчилик қилганини кўришимиз мумкин. Шоирлик фаолияти шунчаки ҳислар ифодаси бўлибгина қолмай, балки бутун миллий шеъриятимиз тараққиётидаги муайян тамойилнинг кўриниши сифатида ҳам қимматлидир.

Шоир учун адабиёт бўстонига кириб келиш, унинг гўзаллигидан баҳра олиш баҳтига ўзи таъкидлаганидек, замон, дорилфунундаги жўшқин ижодий муҳит сабаб бўлган. Устозлар ўгити, таҳлил ва изланиш натижалари

шоир учун поэтик маҳоратни ўзлаштиришда, ўз “тил” ини топишда кенг ё Ъллар очди. Талабалик чоғларидан бошлаб беғубор, самимий туйғулар қоғозда ўз аксини топа бошлади. Унинг илк тўплами “Тонг нафаси” номи билан чоп этилиб, ижодкор тили билан айтганда, “баҳорий илиқлик”¹ шеъриятга кира бошлади. Унга такриз ёзган устоз Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, ёш шоир илк машқларида кўпроқ дунёни энди кашф этаётган, севинчидан ичига сифмаётган, ҳаётнинг ноёб неъмат эканини фахм этиб келаётган мурғак қалбнинг қувончлари бор эди. Кейинчалик эса, тагмаъно мисралар, қувноқ мутойиба ила суғорилган шеърлар яратила бошланди. Шу билан бирга, поэзиаядаги севги мотивларининг қайта ҳаёти ғазалнинг жонланишига олиб келди. Эркин Воҳидов ғазаллари шоирнинг ўз арузи, ўз ғазал шаклига айлангани учун ҳам миллий адабиётимиз ривожида ҳодиса бўлди. Уларда биз шоиримизнинг ўзига хос усулини юзага келтирган ҳиссий оҳангини, қалб садосини, ўй-фикрлаш ё Ъсинини кўрамиз. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш ўринлики, образлар танланишида мумтоз анъаналарига бир неча бора мурожаат этилган:

Тун билан йиғлабди булбул

Ғунча ҳажри доғида.

Кўз ёши шабнам бўлиб

Қолмиш унинг япрогида.²

Нихотда гўзал, бундай беназир ҳолат тасвирини фақат “Ёшлик девони”да учратиш мумкин. Шеърдаги “тун”, “булбул”, “ғунча”, “япроқ”, “шабнам” каби сўзлар мумтоз адабиёт доирасида кенг қўлланиладиган анъанавий образларни бир қарашда ёдга солади. Оддий япроқда қолган сув томчисини сирли-сехрли оҳангга ёғиради. Уни бадиий восита ёки поэтик санъатга ўраб, жонли ва таъсирчан ифодалайди.

Э. Воҳидов ижодини поёнсиз туйғулар олами, дейишимиз мумкин.

Шеърлардан инсон ҳиссиётининг барча жилоларини топа оламиз: севги,

¹ То quyosh sochgayki nur. Errkin Vohidov: hayoti va ijodi zamondoshlari nigohida. T.: O’zbekiston, 2016, 471-b.

² Erkin Vohidov. Tanlangan asarlar. Toshkent: SHARQ, 2016, 68-b.

соғинч, рашқ, умид, юрт мөхри, жасорат, фидолик... Бу кейинги сатрларда ҳам яққол кўзга ташланади:

Юрдошим, боғингга бир ниҳол қада,

Бу ниҳол номини Яхшилик ата.

Ниҳолнинг ёнига бир гул экиб қўй,

У гулнинг исмини Гўзаллик деб қўй.

Гул-у ниҳолингга баҳш этиб ҳаёт,

Сув бер ва бу сувга Мехр деб қўй от.

Сендан фарзандингга боғ қолсин, эй дўст,

Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.³

Э.Воҳидов шеъриятида одамнинг “одам” лик мақомини, аввало, унинг меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги, ҳалимлиги билан белгилайди. Чин маънодаги гўзаллик шеърда такрорий метафоралар орқали ёрқин ифодаланган. Метафоралар муаллифнинг асл муддаоси, яъни шеърий мисраларда қайси сўзларга асосий эътибор қаратилаётганини англатиш баробарида, ўқувчига фикр мантиғи ана шу калималар орқали очилишига ишора қиласди.

Умрингни давом айлаб

Уқбони хаёли этгил,

Ақлингни калом айлаб

Кўнглингга савол этгил.

Ғайратни мудом айлаб

Ғафлатни завол этгил,

Уйқуни ҳаром айлаб

Ризқингни ҳалол этгил.⁴

Ижодкор жўшқин ҳаёт қучоғида дадиллик ва зийраклик кайфияти билан яшамоққа ундейди. Унда бирор тушкунлик ёки дангасалик, турли

³ Erkin Vohidov. Tanlangan asarlar. Toshkent: SHARQ, 2016, 557-b.

⁴ Erkin Vohidov. Tanlangan asarlar. Toshkent: SHARQ, 2016, 557-b.

енгилликларга кўникиш руҳи сира сезилмайди. Шу маънода ўз ўқувчисига мурожаати орқали фикрларини кескин баён қиласди. Ундан қалбан уйғоқлик, руҳан ҳамиша тетикликни талаб қиласди. Шоир шеърларида ана шундай насиҳатгўй устоз образлари бир-бирини тўлдиради. Уларда ҳамиша эзгуликка, меҳнатсеварликка ундовчи жиҳатлар доим ўқувчини руҳлантиради.

Яхшилик қилма биронга кўз учун,
Яхшилик асли биронмас, ўз учун.
Ризқи рўз бердим дема, одам ахир
Келмагай дунёга ризқи рўз учун.
Не олиб кетгай бу оламдан киши,
Бори савдо икки газлик бўз учун.
Гар жаҳоннинг шоҳидурсан, зорсан
Мехр аталган малҳам-у дил сўз учун.
Жон надир, икки жаҳонни садқа қил
Дўст сенга айтган бир оғиз сўз учун.

Шоир ижодида тарбияга чорловчи сатрларни кўп бора учратамиз.

Беш кунлик дунёнинг ўткинчи майший нарсаларига боғланиб қолмасликка, ҳаётнинг асл қадр-қийматини тушуниб етишга чорлайди. Эзгу амаллар, меҳр, оқибат каби фазилатлар эъзозланиши кераклиги танқидий руҳда баён қилинган.

Дарҳақиқат, моҳир ижодкор Э. Воҳидов ўз асарларида инсонийлик маъно-моҳиятини эзгулик, яхшилик мавзуси билан уйғунликда тасвирлайди. Бу шеърлар хоҳ ватан, табиат мавзусида бўлсин, хоҳ инсонлар ўртасидаги муҳаббат тараннум этилган бўлсин, уларда шоирнинг курашувчан, олийжаноб қиёфаси яққол кўз олдимиизда гавдаланади. Таълим-тарбияга ёъналтирилган шеърларда инсонга хос меъёрлар, одоб нормаларини англашибга чоғланган етук ахлоқ эгаси мурожаати барчамизга бирдек тегишлидир. Ошиқона мавзудаги шеърлари орқали эса шоир, аваало, инсонни улуғлайди. Унинг гўзал фазилатларини моҳирлик билан

бадиий тасвирлайди. Муҳтарам Президентимиз Ш. М. Мирзиёев етук шоир Э. Воҳидов ҳақида шундай деган эдилар: “Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига беназир ҳисса қўшган атоқли шоир ва адиб, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадрияtlар руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга”⁵.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг 20 май куни А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташрифи. ЎзА, 20 май.
2. Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. Т.: “Шарқ” нашриёти, 2007.
3. Мирзиёев Ш. Ёшлар бизнинг келажагимиз. Ёшларга донолар ўгити. Т.:2018.
4. Мирзиёев Ш.Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
5. Болтабоев X. Эркин ака давраси. То қуёш сочгайки нур. Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида.Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

⁵ Mirziyoyev Sh. Yangi O’zbekiston strategiyasi. T.oshkent: O’zbekiston, 2021.